

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ «ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ. ҚОНУНГА КЎРА, 11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ.**



**Кун нафаси**

Президентнинг «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

\*\*\*

Давлатимиз раҳбари «Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфра-тузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекиди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг «Al Reaya Company» компанияси вакиллари ўртасида **видеоконференцалоқа шаклида учрашув** ташкил этилди.

\*\*\*

Адлия вазирини **Русланбек Давлетов** ижтимоий тармоқлар орқали **аҳоли билан онлайн мулоқот** ўтказди.

\*\*\*

Жорий йилнинг 11 декабрь куни видеоконференция шаклида «Италия – Ўзбекистон» бизнес-форуми бўлиб ўтди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Бирлашган Араб Амирликларининг Хукумат ва келажак ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда «Аёллар ва раҳбарлик» виртуал форуми ташкил этилди.

\*\*\*

Яқин кунларда Ўзбекистон пойтахти Тошкент ва Япониянинг Нагоя шаҳарлари ўртасида 2019 йил 18 декабрь куни имзоланган «Туристик ва маданий ҳамкорлик тўғрисида»ги келишувнинг бир йиллигини кенг нишонлаш режалаштирилмоқда.

\*\*\*

**Шоҳрух Аминов** Сирдарё вилояти прокурори лавозимига тайинланди.

\*\*\*

Таэквондо (WTF) бўйича **Ўзбекистон чемпионати** бошланди.

\*\*\*

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги «Кўксув» овул фуқаролар йиғинига **дренаж сувини чуқурлаштириш ва тазалаш ускунаси топширилди.**

\*\*\*

Навоий шаҳрида «**Дўстлик ва нодавлат нотижорат ташкилотлари уйи**» ташкил этилди.

\*\*\*

Фарғона шаҳрида тадбиркор **Ўткир Аҳмедов** томонидан «**Ansor**» номли **замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси** фойдаланишга топширилди.

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил  
26 ноябрь  
пайшанба  
№ 142  
(4426)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН**

**1092 –**

қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га



меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касабаси уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касабаси уюшмаси Федерациясининг доимий эътиборида!

## НЕФТЬ–ГАЗ КИМЁСИ СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТҚАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни нефть-газ кимёо саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишди.

Нефть-газ кимёо – қўшимча қиймат яратадиган, экспортда катта ўрин тутадиган тармоқ. Ўзбекистонда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, иқтисодий самарадорликни кўпайтириш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича қарийб 9 миллиард долларлик 52 та лойиҳа белгиланган. Шундан 15 таси ноорганик кимёо, 23 таси органик кимёо, 12 таси полимерлар бўйича. Яна бир лойиҳага кўра, янги турдаги полимер маҳсулотлар бўйича илмий тадқиқот ва тажрибалар ўтказиб, лойиҳаларни бевосита ишлаб чиқаришга жорий эътибор берилди.

Тақдим этилган барча лойиҳалар самарасида 4,1 миллиард доллар қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1,1 миллиард долларлик импорт ўрни тўлдирилиши ва 1,45 миллиард дол-

ларлик экспорт таъминлини мумкин. Жами 6 минг 500 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Кўпikli полипропилен, ёғоч-полимерли композит лист, водород пероксиди, карбоксиметилцеллюлоза асосида реагентлар, карбамид формальдегид концентрати, сульфат кислота, карбонат ангидрид газидан сода ишлаб чиқариш каби истиқболли лойиҳалар келаси йили ишга туширилади. Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол заводининг иккинчи босқичи ҳамда компрессорни ювувчи саноат мойи корхонаси бўйича ишлар бошланади.

Тақдимотда мазкур лойиҳалар ижросининг бориши, бу борадаги халқаро келишувлар натижалари юзасидан ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари уларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий ҳамкорлар ва инвесторлар билан ишларни жаддалаштириш

кераклигини таъкидлади.

Хомашё базасини мустақамлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини тушириб, ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Тармоқлар раҳбарларининг хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда ташқи бозорда харидоригир бўлган, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш борасидаги фаолияти танқидий баҳоланди.

Шу муносабат билан газ-кимёо соҳасини 2021 йилда ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаш, лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, электр тармоқларида йўқотишларни анча қисқартириш ва узилтишларнинг олдини олиш, тармоқ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида энергетика соҳасини рақамлаштириш ишларини тезлаштириш вазифасини қўйди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** 11 ноябрь Ўзбекистон касабаси уюшмалари куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри  
2020 йил 23 ноябрь  
№ УРҚ-648

Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

**12-11** қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



## Қўлни қўлга бериб...

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси «Toshisqiquvvat» давлат унитар корхонасида **Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабаси уюшмаси ташаббуси билан Касаба уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси, корхона раҳбарияти ва ходимлари, бошланғич касабаси уюшма кўмиталари раислари иштирок этган учрашувда қурултойда кўта-

рилган масалалар қизгин муҳокама қилинди.

Хусусан, касабаси уюшмаларининг сўнгги йиллар мол-байнида жамият ижтимоий ҳаётидаги нуфузи ортиб, нафақат ишчи-ходимлар ман-

фаатлари, балки том маънода халқнинг оғирини енгил қилиб, мавжуд муаммоларга ечим топишда кўмакчи бўладиган ташкилотга айлангани таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, давра суҳбати иштирокчилари касабаси уюшмаларининг қизгин фаолиятини давлат раҳбари шахсан эътиборга олиб, қурултой иштирокчиларига йўллаган табригида «Касаба уюшмалари куни»ни белгилаш ҳамда Касаба уюшмалари Академиясини ташкил этиш борасидаги таклифлари-

### Давра суҳбати

дан беҳад мамнун бўлишганини билдиришди.

3000 минг нафардан ортиқ ишчи-ходим фаолият кўрсатиб келаётган меҳнат жамоасининг катта қисмини аёллар ва ёшлар ташкил этади. Учрашувда мурожаатда таъкидланган вазифалар, жумладан, ходимларни кулай ва хавфсиз меҳнат шароити, муносиб ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш, шунингдек, аёллар ва ёшларга эътибор қаратиш, уларга қўшимча имтиёзлар жорий этишда иш берувчи билан ҳамкорликда ишлаш зарурилиги хусусида ҳам сўз юритилди.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ,  
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...



Чўлпон ХАМАТОВА:

**ҲАЁТ – СЕВИШГА МУНОСИБ!**



**УЗОҚҚА БОРМАГАН ҚУВОНЧ...**

### Шарҳ



Андижон вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи кун тартибига қўйилган масалалар тарғиботига бағишланган маърифий тадбир ташкил этилди.

## Ижтимоий адолат – долзарб масала

Қайд этилганидек, қурултойда илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар инсон қадрини яна бир қарра оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Касаба уюшмалари фаолларининг сайё-ҳаракатлари билан Андижонда ҳам жамоа шартномаларида кўзда тутилган бандлар ижросидан ташқари, ночор охиларнинг турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётнинг аччиқ-чуқук захматини тотган опа-сингилларимизнинг дардига қулоқ тутиш, моддий-маънавий кўмак бериш йўлида ҳам кўзга кўринарли натижалар қайд этилди.

Мулоқотда фаоллар делегатларнинг мамлакатимиз халқи,

ишчи-меҳнаткашлар, касабаси уюшма ташкилотлари ҳамда ижтимоий шерикларга мурожаатда айтиб ўтилган жиҳатларга алоҳида эътибор беришимиз лозим, деб таъкидлашди. Хусусан, жойларда кулай, хавфсиз меҳнат шароитлари, адолатли иш ҳақи тўланишига эришиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ни рўбига чиқариш йўлидаги режа ҳамда қишлоқ-чучук камба марказида бўлди.

Тадбирда Федерация раисининг ўринбосари, Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қўбилжон Қирғизалиев мавзу юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Ўз мухбиримиз

### БМТ қарори:

## 8 ВА 9 МАЙ – ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНING БАРЧА ҚУРБОНЛАРИНИ ХОТИРЛАШ КУНЛАРИ

БМТ Бош Ассамблеяси шу йил 5 ноябрь куни Россия таклиф қилган резолюцияни қабул қилди. Унга кўра, 8 ва 9-май – Иккинчи жаҳон урушининг барча қурбонларини хотирлаш кунлари деб эълон қилинди.



Акmal САИДОВ,  
академик

Хужжатда БМТга аъзо давлатлар, мазкур нуфузли халқаро ташкилот тизимидаги тузилмалар, нодавлат ташкилотлар 8 ва 9 май кунларини Иккинчи жаҳон урушининг барча қурбонларини хотирлаш санаси сифатида муносиб нишонлашга даъват этилган.

Қарорда шу йил 1 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг уруш қурбонлари хотирасига бағишланган махсус тантанали йиғилишини ўтказиш таклиф этилган.

Россиянинг БМТдаги доимий вакили ўринбосари Геннадий Кузминнинг қайд этишича, одатда Бош Ассамблея уруш қурбонлари хотирасига бағишланган тантанали йиғилишларни май ойида ўтказиб келган. Аммо коронавирус пандемияси сабабли навбатдаги тадбирни 2020 йил май ойида ўт-

казиш бекор қилинган. Шунинг учун Россия бундай учрашувни декабрда қақаришни таклиф қилган.

Резолюция матнида хужжат қоидаларини Ташкилотнинг барча аъзо давлатлари эътиборига етказиш учун БМТ Бош котиби мурожаати ҳам мавжуд.

БМТ Бош котиби шу йил май ойида Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг 75 йиллиги муносабати билан йўллаган мурожаатида халқаро ҳамжамиятни 1945 йил сабоқларини эслашга қаратган. Антониу Гутерришнинг таъкидлашича, Хотира ва ярашиш кунлари – 8 ва 9 май санасида оданлари уруш даврининг миллионлаб қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтиради.

Бош котиб мурожаатида шундай дейилган: «Хотира ва ярашиш кунларида биз Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган миллионлаб инсонларнинг хотирасига эҳтиром бажо этамиз ва улар чеккан азоб-уқубатларни эсга оламиз.

Биз Холокост ва нацистлар томонидан содир этилган бошқа оғир ва даҳшатли жиноятларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. 1945 йилнинг майида фашизм ва золимон ҳукмронлик устидан қозонилган ғалаба янги даврни бошлаб берди.

Халқаро бирдамлик ва умуминсоний қадриятларнинг ғоят муҳимлигини англаб етганимиз, ўз навбатида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузишга олиб келди, ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси ўсиб келаётган авлод-

ларни уруш қулфату офатларидан холи қилишди.

Биз яшаётган дунё турли низо-лар оқибатларидан азоб чекишда давом этмоқда. Ҳатто Covid-19 инқирози давом этаётган ҳозирги вақтда ҳам одамлар орасига ни-фок солиш ва нафрат туйғусини ёйиш борасидаги янги уринишларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг 75 йиллигини нишонлаш асосида, келинг, 1945 йил сабоқларини эслайлик ҳамда сайё-ҳаракатларимизни пандемияга барҳам бериш ва барча учун тинчлик-осойишталик, хавфсизлик ва қадр-қиммат улугланадиган келажак барпо этиш мақсадлари йўлида бирлаштирайлик».

2 >





